



ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРДА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12-13 ноябрь кунлари Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига кўра БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси Томонлари конференциясининг 29-сессияси (COP29) тадбирларида қатнашиш учун Боку шаҳрида бўлди.



13 ноябрь куни COP29 саммити доирасида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжон ўртасида “яшил” энергияни ривожлантириш ва узатиш соҳасида стратегик шериклик тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қайта тикланувчи энергия иқтисодий мақсад эмас, балки келажакка қўшилаётган ҳисса, келгуси авлодлар олдидagi масъулият туйғусининг натижаси эканлигини таъкидлади.

Лойиҳанинг экологик аҳамияти алоҳида қайд этилди. Узатиладиган энергия — бу шамол ва қуёш энергияси бўлиб, қайта

тикландиган ва тоза манба ҳисобланади ҳамда иқлимга таъсирни юмшатиш имконини беради.

Шу орқали томонлар Париж битими ва Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида иқлимни муҳофаза қилиш бўйича қўшма саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватламоқда.

Мамлакатларимиз қайта тикланувчи энергиянинг катта захираларига эга бўлиб, глобал энергетик ўзгаришларга салмоқли ҳисса қўиши мумкинлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари бу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг муҳим жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтди.

“Яшил” энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастур қабул қилинган. Мамлакатимизда ҳар йили 2 гигаваттга яқин қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йил охиригача тармоққа қўшимча 2,6 гигаватт қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш қувватлари ва 300 мегаваттлик энергия сақлаш тизимлари уланади.

2030 йилга келиб қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш, шунингдек, 4,2 гигаваттлик энергия сақлаш тизимларини яратиш режалаштирилган.

Ишга туширилаётган лойиҳанинг иқтисодий самарасини барча иштирокчилар ҳис этишига ишонч билдирилди.

Ўн минглаб янги иш ўринлари яратилади, энергетика инфратузилмаси ривожланади, технологик ва ишбилармонлик алоқалари кенгайди. Энг муҳими, аҳоли турмуш даражаси ошади.

Лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш, жумладан, қўшма корхона ташкил этиш, техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишиш, бошқа тартиб-таомилларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Яқунда Президентимиз Ўзбекистоннинг ушбу минтақавий лойиҳани бирга

ликда амалга оширишга интилиши қатъий эканини тасдиқлади.

Таширф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашув ўтказди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон етакчисини БМТнинг Иқлим бўйича саммити (COP29) муваффақиятли ташкил этилгани билан самимий муборакбод этди.

Жорий йил август ойида олий даражада эришилган келишувлар доирасида Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кен-

гайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни жадал ривожлантириш йилида ҳамкорлик юксак даражага етгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, автомобилсозлик, тўқимачилик, электротехника, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва шаҳарсозлик ҳамда бошқа йўналишларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Давоми 2-бетда



ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ТУРТКИ БЕРИШИ КЕРАК

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (COP29) асосий ялпи сессиясидаги иштироки ва нутқи ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг (COP29) асосий ялпи сессиясида қатнашди.

Тадбирда дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатидан давлат ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари иштирок этди.

Эътиборлиси, Ўзбекистон Президентининг мазкур саммитдаги нутқида илгари сурилган тақлифлар хорижий эксперт доиралари вакилларининг катта қизиқишига сабаб бўлаётди.

Давоми 2-бетда

СИЁСИЙ ЛАНДШАФТ: ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ, ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Яқин йилларга қадар кўп ҳолларда сиёсий жараёнларда фаол бўлиш, ўз фикримизни очик айтишдан ҳадиксираб турардик. Атрофимизда сиёсатдан кўрқадиган, аралашини хоҳламайдиган, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида узокрок турадиган, “сенинг гапинг маъқул”, “менга нима”, дейдиганлар кўпаяётган эди. Шукрки, бугун вазият буткул бошқача.

Қисқа даврда фикрларимиз ўзгарди, қарашларимиз, ёндашувимиз янгиланди. “Музлаб қолган онглар”нинг музлари эриди. Сиёсий жараёнлар ва сайловларга шунчаки эмас, теран нигоҳ билан қарай

бошладик. Бунга бу йилги сайлов жараёнида янаям яққол ҳис қилдик.

2024 йил 27 октябрда ўтказилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига депутатлар сайлови мамлакат сиёсатини янги босқичга олиб чиқди.

Сайлов жараёнида 15 миллиондан ортиқ сайловчи овоз берди. Сайловчиларнинг фаоллиги 74,72 фоизни ташкил этди, бу эса фуқароларнинг сиёсий жараёнларга қизиқиши нечоғлиқ эканини кўрсатади.

Бизнинг танловимиз бизнинг келажакимизни белгилашини шу йилларда исботи билан кўрдик. 2021 йилда Президент сайлови, 2023 йилда конституциявий референдум, шунингдек, муддатидан аввалги Президент сайловидан сўнг бу йилги сайлов сўнгги тўрт йилдаги тўртинчи йирик сиёсий воқеадир. Биз ҳар бирида ўз фикримизни билдира олдик, жараёнларда фаол қатнашдик.

Давоми 3-бетда



Бундан беш йилча аввал касбим тақозоси билан Иқтисодиёт ва молия вазирлигида турар жой бинолари қурилишини рағбатлантириш, соҳага бозор механизмларини жорий қилиш бўйича ташкил этилган йўғилишда қатнашишга тўғри келди. Унда тизимга бевосита алоқадор ташкилотлар ва банк раҳбарлари иштирок этганди.

Шунда мутасаддилар йўғилишда соҳада кенг қўламли ислохотлар ўтказиш, хусусий қурувчи ташкилотларни кўпроқ жалб қилиш ва тизимда ҳақиқий рақобат муҳитини яратиш борасида топириқ берилганини, бунда қурувчи ҳам, уй-жой сотиб олувчиларга ҳам энгилликлар

берилишига оид янги тизим ишга туширилишини билдирди. Бу бўйича биринчи босқичда 1 миллиард АҚШ доллари йўналтирилишини, агар лозим бўлса, банклар орқали яна шунча маблағ ажратилишини айтди.

Давоми 4-бетда

2024 йил 14 ноябрь, 231-сон

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРДА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Бошланиши 1-бетда

Лойиҳалар портфелини, шу жумладан, Қўшма инвестиция компанияси маблағларини жалб этган ҳолда янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишига қўмаклашишга қаратилган амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Фаол маданий-гуманитар ва ҳудудлараро алмашинувни давом эттириш, шунингдек, 2025 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш доирасида кенг қамровли тадбирлар дастурини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Учрашув доирасида Хонканди шаҳрида қўшма тикувчилик фабрикасини ишга тушириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Чехия Республикаси Бош вазири Петр Фала билан учрашувида Ўзбекистон — Чехия муносабатларини янада ривожлантириш ва устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Чехия анъанавий равишда мамлакатимизнинг Европадаги муҳим ҳамкори ҳисобланади. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 баробар, қўшма корхона ва лойиҳалар сони 3 баробар кўпайди.

Хукуматлараро комиссия ишини фаоллаштириш, товар айирбошлашни кўпайтириш бўйича “йўл харитаси” ва аниқ лойиҳалардан иборат санаот кооперацияси дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлатимиз раҳбарининг Греция Бош вазири Кириакос Мицотакис билан учрашувида икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва амалий алоқаларни ривожлантириш масалалари, айниқса, сиёсий ҳамада савдо-иқтисодий соҳалардаги муносабатлар муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш чораларини ишлаб чиқиш, фармацевтика, электротехника, қишлоқ ҳўжалиги ҳамада бошқа

соҳаларда кооперация лойиҳаларини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, маданий-гуманитар ва сайёҳлик йўналишларидаги алмашинувларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Келгуси йилда сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги даврасини Афинада ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия йиғилишини Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Глобал экологик фонд (ГЭФ) бош директори ва раиси Карлос Родригес билан учрашувида жамғарма билан Ўзбекистонда иқлим барқарорлиги ва экотизимларни муҳофаза қилиш борасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

ГЭФнинг мамлакатимизда биохилма-хилликни асраш, табиий ресурсларни бошқариш, иқлим ўзгаришига мослашиш лойиҳаларини амалга оширишдаги муҳим ҳиссаси мамнуният билан қайд этилди. Қўшма лойиҳалар портфели 100 миллион доллардан ошган.

Ҳаво сифатини мониторинг қилиш бўйича минтақавий тармоқ яратиш, кўкаламзорлаштириш ва экотуризмни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, йўқолиб бораётган ҳайвон турларини асраш, шунингдек, Оролбўйи ҳудудини қайта тиклаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Келгуси йилда Ўзбекистонда йирик халқаро тадбирлар, жумладан, Глобал экологик фонд донорлари йиғилишини ўтказиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Боку шаҳрида ўтаётган БМТнинг Бутунжаҳон иқлим саммитида (COP29) ташкил этилган Ўзбекистон Миллий павильони билан танишди.

Президентимизга павильоннинг гоёяси ва унда ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Павильон Ўзбекистоннинг ноёб маданий мероси ҳамада экология ва иқлим масалаларига

барқарор ёндашувларини намоиш этишга мўлжалланган. Унинг “Ички барқарорлик” деб номланган меъморий концепцияси инсоннинг табиат билан уйғунлигини ва оилавий қадриятларини ифодаловчи анъанавий ўзбек ҳовлисига асосланган.

Сомон сувоқ ва ёғоч каби экологик, анъанавий материаллардан фойдаланиб, азалдан ўзбек хонадонининг ажралмас қисми бўлиш айвон ва сўридан илҳомланиб бунёд этилган павильон уйғун макон ҳосил қилади. Биргаликда ушбу меъморий ечимлар қулай микроиқлимни таъминлайди, шинам муҳит яратади ва барқарор келажак ҳақидаги ғамхўрликни акс эттиради.

Саммит кунларида бу ерда Оролбўйи минтақасининг ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал этиш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ва сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда биохилма-хилликни асрашга бағишланган 20 дан ортиқ қўшимча тадбир ўтказилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизнинг Миллий павильонида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) бош директори Нгози Оконжо-Ивеала билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши масалаларида амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг долзарб жиҳатлари қўриб чиқилди.

Ишчи гуруҳ йиғилишларини ўтказиш, шунингдек, ушбу халқаро ташкилотга аъзо мамлакатлар билан олиб борилаётган музокаралар суръати мамнуният билан қайд этилди.

Миллий қўнчуликни ЖСТ меъёрлари ва қоидаларига уйғунлаштириш, жумладан, экспорт субсидияларини бекор қилиш бўйича ишлар фаол олиб борилюмоқда.

Халқаро савдонинг тартибга солиш масалаларида ўзбекистонлик мутахассислар малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Музокараларни яқинлаш ва яқин йилларда Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши бўйича савб-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев озарбайжонлик адабиётшунос ва шоир Акиф Бағировни қабул қилди.

Акиф Азалп тахаллуси билан танилган шоир Нахичевонда туғилган, аммо умрининг катта қисмини Ўзбекистонда яшаб, ижод қилган. Озарбайжон халқини ўзбек адабий муҳити билан яқиндан танитишда фидойилик кўрсатиб келмоқда. У кўплаб ўзбек шоирлари, адибларининг асарларини озарбайжон тилига ўтирган. Хусусан, яқинда Сирожиддин Саййиднинг “Вақт ҳайкали” китобини таржима қилган. Шоир халқимизнинг шонли тарихи ва Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги ютуқларидан, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислохотлардан илҳомланиб ёзилган “Ўзбек келаетир” қасидаси билан ҳам машхурдир.

Учрашувда Акиф Бағиров юксак ҳурмат ва миннатдорлик рамзи сифатида Президентимизга ўзи озарбайжон тилида тайёрлаган “Шавкат Мирзиёев феномени” китобини тақдим этди.

Китобдан сиёсатшунос Қудратилла Рафиковнинг “Менинг Президентим” ва “Миллатпарвар” китобларидан саралаб олиниб, шоир томонидан озарбайжон тилига таржима қилинган публицистик эсселар ўрин олган. У давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган асосий ислохот ва ўзгаришларга бағишланган. Унда Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсатнинг асосий йўналишлари, жумладан, иқтисодий ривожланиш, инфратузилмни модернизация қилиш, ижтимоий соҳани яхшилаш ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш масалалари ёритилган.

Президентимиз шоирга ўзбек адабиётини Озарбайжонда оммалаштириш ва икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун миннатдорлик билдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикасига амалий таширифи яқунланди.

ЎЗА

АКАДЕМИК ТЕМУРЖОН НОСИРОВ



Энергетика маркази директори, Фанлар академиясининг Энергетика муаммолари институтида бош илмий ходим каби масъулиятли лавозимларда самарали фаолият кўрсатиб, эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилди.

Таниқли олимнинг электр энергияси тизимларининг нормал ва авария ҳолатидаги режимларини комплекс таҳлил усулларини яратиш ва умумлаштириш борасидаги илмий тадқиқот ишлари мамлакатимиз илмий жамоатчилиги томонидан кенг эътифр этилган.

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор Темуржон Носиров 2024 йил 12 ноябрь кунини 83 ёшида вафот этди.

Т.Носиров 1941 йил 25 июлда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилди. 1963 йилда Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни муҳандис-электрик мутахассислиги бўйича тамомлади.

Меҳнат фаолиятини ушбу олийгоҳда ассистент сифатида бошлади. Кейинчалик институт аспирантурасида тахсил олиб, дастлаб номзодлик, сўнгра докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Т.Носиров ўзининг 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Тошкент давлат техника университети, тетиининг катта ўқитувчиси, доцент, кафедра мудири, “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти хузуридаги

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Қ. АЛЛАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ЕТАКЧИСИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ТУРТКИ БЕРИШИ КЕРАК

Бошланиши 1-бетда

Владимир БАЧИШИН,
“Comenius Analytica” таҳлил
маркази директори (Словакия):

— Ўсиб бораётган иқлим муаммолари шароитида Ўзбекистон делегациясининг COP29 да олий даражада иштирок этиши мамлакатнинг нафақат эмиссияларни камайтириш ва барқарор амалиётни жорий этиш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш, балки минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилишидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёев нутқида мамлакат иқлим ўзгаришига қарши глобал курашга салмоқли ҳисса қўшиш қатъияти ўз ифодасини топган ва бу борада биргаликдаги савб-ҳаракатлар зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистон Президенти 2050 йилгача углерод нейтраллигига эришиш, “яшил” энергетикани ривожлантириш, қуёш ва шамол энергияси ишлаб чиқариш марказларини яратиш бўйича улкан режаларни, шунингдек, Европада “яшил” энергия етказиб бериш бўйича ҳамкорликни бошлашни тақдиф этди.

Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказ, Трансчегаравий сув ресурсларини муҳофаза қилиш



декларацияси, ўсимликларнинг иқлимга чидамлилигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкни, Жаҳон иқлим пойтахтлари альянсини ташкил этиш каби ташаббуслар айниқса аҳамиятлидир.

Ушбу ташаббуслар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда “яшил” ўсиш ва барқарор ривожланишга содиқлигини, шунингдек, мамлакат фаол халқаро ҳамкорликка тайёрлигини кўрсатади.

Мухаммад Толиб Бин
Моҳаммад Ража МОҲАН,
Малайзиядаги ИХТ Халқаро бизнес
маркази бош ижрочи директори:



— Ўзбекистон Президенти томонидан COP29да илгари сурилган ташаббуслар мамлакатнинг иқлим хавфсизлиги ва барқарор ривожланишга содиқлигини акс эттиради. Улар халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илгор технологиялар ва ресурслар имкониятларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, иқлим муаммолари ечимига ёшларни фаол жалб этишга қаратилган.

Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказни ташкил этиш тақлифи ўз вақтида ва муҳим аҳамиятга эга. Марказ зарурий ёрдам ва савб-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги билим ва илгор тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини яхшилашнинг асосий воситаси бўлиши мумкин. Бу иқлим лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро молиялаштиришни ҳам жалб қилишда қўл келади.

БМТ шафелигида Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар тўғрисидаги дек-

ларацияни ишлаб чиқиш ташаббуси алоҳида эътиборга лойиқ. Дарҳақиқат, трансчегаравий сув ресурсларининг ифлосланиши муаммоси, жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам долзарб экологик муаммолардан бири ҳисобланади. Бундай ҳужжат мамлакатлар ўртасидаги мувофиқлаштиришни яхшилаш, экологик хавфсизлик даражасини ошириш ва сув экотизимларининг биологик хилма-хиллигини сақлаш имконини беради.

Гўзель МАЙТДИНОВА,
Геосиёсий тадқиқотлар маркази
директори, тарих фанлари
доктори (Тожикистон):

— Глобал исхи оқибатлари Марказий Осиё давлатларининг барқарор ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Минтақа аллақачон кўплаб экологик ва иқтисодий муаммоларга дуч келмоқда. Шу боис, Бокуда бўлиб ўтган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенциясига аъзо давлатлар конференциясининг 29-сессиясининг иқлим ўзгариши бўйича Жаҳон саммити муҳим аҳамиятга эга.

Саммитда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иштирок этиб, иқлим ўзгариши камбағалликни бартараф этиш, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш, сув ва ресурслардан фойдаланиш муаммоларини ҳал этишга таъсир кўрсатишини таъкидлашди.

Марказий Осиё давлатлари минтақавий иқлим стратегиясини биргаликда амалга оширмоқда. Маълумки, Ўзбекистон COP28 ва бошқа учрашувлар доирасида ҳам минтақа давлатларини экологик муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ягона стандартларни яратиш учун бирлаштирган “Бир минтақа, бир овоз” стратегиясини тақдим этган эди. Ўзбекистон



2030 йилга бориб, ҳавога иссиқхона газлари чиқиндиларини 35 фоизга камайтириш ниятида.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йилги саммитдаги нутқида глобал иқлим ўзгариши оқибатларини биргаликда бартараф этиш бўйича қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Иқлим ўзгариши Марказий Осиё минтақасининг экологик, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиб, Ўзбекистон етакчисининг ташаббуслари Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишига тurtки бериши керак.



Шахриёр ХОН,
“Миллий мулоқот форуми”
маркази ижрочи директори
(Покистон):

— Ўзбекистоннинг 2030 йилгача ҳавога иссиқхона газлари чиқарилишини 35 фоизга камайтириш ва 2050 йилгача углерод нейтраллигига эришиш бўйича улкан максадлари менда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Бу минтақанинг иқтисодий ва иқлимий воқеалигини ҳисобга олган ҳолда жуда салмоқли ҳиссадир.

Ўзбекистонда “яшил” энергетика фаол ривожланишда, қайта тикланувчи энергия манбалари улуши 40 фоизга етказилмоқда, қуёш, шамол ва водород энергетика хаблари ташкил этилмоқда. Бу нафақат барқарор келажак сари стратегик қадам, балки бошқа ривожланаётган давлатлар, жумладан, бундай ташаббуслар жуда зарур бўлган Покистон учун ҳам намунадир.

Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказни ташкил этиш тақлифи, айниқса, иқлим ўзгаришига энг заиф давлатлар учун экологик йўқотишларни баҳолаш ва қоплашда кучларни бирлаштириш зарурлигини акс эттиради.

Ўзбекистон Покистон каби ривожланётган давлатлар ўзига хос иқлим муаммоларига дуч келаетганини, шунинг учун бундай институтларни яратиш минтақа ва бутун дунёга фойдали бўлишини тушунади. Бу тақдиф халқаро ҳамжамиятнинг жиддий эътибори ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

“Дунё” АА

Солиҳ ЙИЛМАЗ,
Россия ва МДХ мамлакатларини
ўрганиш институти директори,
профессор (Туркия):



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг COP29 ялпи мажлисидаги нутқи иқлим ўзгаришининг долзарб масалаларига бағишланган бўлиб, унда глобал муаммолар аниқ кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон раҳбари, аввало, бугунги кунда иқлим ўзгариши асосий глобал муаммага айлانгани ва геосиёсий кескинликнинг ошишига бевоСИта таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Хусусан, камбағалликни бартараф этиш, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги, сув ва ресурслардан фойдаланиш муаммолари тобора кучайиб бормоқда. Айниқса, Марказий Осиё аҳолиси уларнинг ҳаёт сифатини ошириш ва минтақа давлатларининг миллий ривожланиш стратегияларини амалга таътиқ этиш йўлидаги янги тўсиқларга айланиб бораётган оқибатларни чуқур англаб етаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти томонидан амалга оширилаётган “яшил” сиёсат туфайли мамлакат “яшил” иқтисодиёт соҳасида салмоқли ютуқларга эришиб, ўз олдига улкан максад-

ларни қўймоқда. Ўзбекистонда 2030 йилгача иссиқхона газлари чиқиндиларини 35 фоизга қисқартириш ва 2050 йилгача бу мажбуриятларни кенгайтириш орқали углерод нейтраллигига эришиш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилюмоқда.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мамлакатдаги “яшил” энергия улушини 40 фоизга етказиш, электроромбиллар кластерлари ва “яшил” водород, қуёш ва шамол энергияси ишлаб чиқариш марказларини яратиш, шунингдек, республи-

СИЁСІЙ ЛАНДШАФТ: ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ, ЯНГИ ДАВР, ЯНГИ ИМЖОНИЯТЛАР



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Миллий медиа бирлашмаси бошқаруви раиси, профессор

Бошланиши 1-бетда

ЯНГИ ПАРЛАМЕНТГА ЯНГИЧА САЙЛОВ

Янги Ўзбекистонда кўплаб соҳалар қатори сайлов тизими ҳам чуқур ислоҳ қилиниши жамиятни демократлаштириш сари қўйилган жиддий қадам ҳисобланади.

Бу сайлов илк бор мажоритар-пропорционал (аралаш) тизим асосида ўтказилди. Натижада **сиёсий партиялар орасидаги рақобат кучайди ва жамиятнинг демократик муҳити янада яхшиланди.**

Аралаш сайлов тизими орқали сиёсий партияларнинг сайловчилар билан алоқалари янада мустаҳкамланиб, фуқаролар сиёсий партияларнинг фаолияти билан яқиндан танишди. Энг муҳими, ўз соҳасининг етук мутахассислари сайланиши учун қулай шароит яратилди.

Бу йилги сайловда ҳар битта овознинг қадр-қиммати ошди, аҳоли ҳар бир овоз муҳимлигини англади. Партиялар “эгизаклик”дан воз кечиб, ҳақиқий рақобатга киришганини электрат ҳам сездди. Буни сайловда жамоатчилик партиялар дастурларини ўрганиб чиққани, уларнинг режаларига қизиқиши ортганидан билиш мумкин. Бу жараёнда кўп-кўп вазифасини бажарган биз — ОАВ вакиллари демократик жараёнлар ривожига ҳиссамизни қўшганимиздан faxр туюмиз.

Сайлов жараёнларида “**сиёсий ландшафт**” атамаси муомалага кириб келди. Сиёсий ландшафт умумий сиёсий муҳитни, жамиятда сиёсий кучлар бир-бири билан қандай ҳамкорлик қилиши ёки ўзаро баҳсини ифода-лайди.

Бу атама айнан давлатнинг сиёсий ҳаёти ва сиёсий маданиятини тўлиқ тушунишга ёрдам беради ва демократик жараёнларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.



Жалолиддин УСМОНОВ, Халқаро пресс-клуб раиси

кўрсатади, деб ишонган сайловчилар овоз берди.

Такомиллашиш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам сифатида мамлакатимиз тарихида илк мартаба Тошкент шаҳридаги айрим сайлов участкаларида сайлов кунини электрон овоз бериш тажриба-синов тариқасида жорий этилганини айтиб ўтиш керак. Электрон овоз бериш ускуналари овоз бериш ва сайлов натижаларини тезкор аниқлаш, овоз бериш жараёнларининг қонунийлигини таъминлаш, сайлов комиссиялари иш ҳажмини енгилаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Сайлов жараёнларида **32 мингдан ортиқ** профессионал фойдаланувчига қулайлик яратган “**E-saylov**” ахборот тизими орқали **200 мингдан ортиқ** ҳужжат алмашинуви амалга оширилди. Бу иқтисодий манфаатларни камайишига олиб келди. Бундан ташқари, сайловчилар ва номзодлар учун ҳам кўплаб қулайликлар яратилди.

Илгариги депутатликка номзодлар орасида аёллар қисми **30 фоиз** бўлишига оид гендер квотаси энди **40 фоизгача** кўтарилди. Сиёсий партия рўйхатидаги кетма-кетликда эса қамиди ҳар беш номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозимлиги белгиланган эди.

Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар орасида аёллар **44,7 фоиз** эди. Натижалар таҳлиliga кўра, сайланган депутатларнинг **38 фоизини** хотин-қизлар эгаллаган. Бу сайлов тарихимиздаги энг юқори кўрсаткичдир.

Сайловларни кузатиш халқаро миссиясининг: “Барча сиёсий партиялар мумкин бўлган максимал миқдордаги номзодларни кўрсатди. Ижобий жиҳати шундаки, номзодларнинг **45 фоизини** аёллар бўлиб, бу **40 фоизлик** квотадан ошиб кетган”, деган маълумоти ҳам хотин-қизларнинг фаоллиги, қатъиятини ифода-лайди.

Бу йилги сайловда вазирлар, олимлар ва артистлар ўз номзодини қўйиши турли

Сайлов жараёнидаги бевосита иштирокимиз, аҳоли йўлаган фикрлардан англадикки, сайлов фақатгина рақобат эмас, балки янги фикр ва ғоялар алмашинуви ҳам бўлиши керак. Биз бу йил ана шундай муҳитга гувоҳ бўлдик.

ПАРЛАМЕНТ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш ҳамиша бирламчи вазифа ва мақсад бўлган мамлакатимиз келажагини қалбан уйғоқ бўлсақки қура оламиз. Чунки жасоратли, қалби уйғоқ жадид боболаримиз мана шундай Ўзбекистонни орзу қилиб яшади, бугунгидек Ўзбекистонни кўриш истаги йўлида жон берди. **Биз шундай кунларни кўряпмиз, яшаяпмиз.**

Қонунчилик палатасига сайлов натижаларига кўра, парламент кўйи палатаси таркиби қарийб **60 фоиз** янгиланди. Бу янги фикрлар, янги ташаббуслар устуворлиги таъминланади, деганидир. Депутатларнинг **35 фоиз** илмий даражага эга экани, **15 фоиз** хорижда тахсил олгани қонунчилик жараёнида илмий асосланган қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Улар тадқиқотлар ва инновацион ғояларни парламентга олиб қиради, ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилишда илмий асосланган қонунларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этади. Бу эса ўз-ўзидан жамият ҳаётини яхшилашга бевосита таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда яшаётган бошқа миллат вакиллари сайланган депутатларнинг **12,7 фоизини** ташкил этган бўлса, **ногиронлиги бор 3 шахсга илк бор ишонч билдирилди.** Янги парламент таркибидagi бу кўрсаткич жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини ифода этиш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қонунларни қабул



қилиш учун асосий йўлди. Шунга жавобан биз ҳам жамиятда фаол бўлсак, ўзимиз, оиламиз, яқинларимизнинг келажагини белгиллаш йўлида доим муҳим қадамлар қўла оламиз.

Президентимиз Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари юзасидан ўтказилган йилгиш давомида парламент сайлови борасида: “**Мамлакатимиз демократик тараққиётнинг янги даврига, сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўймоқда. Биз барча бугунги депутатларимиз тўғрисида жамиятдаги масъулиятни чуқур англайдиган, янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида ўзини аямасдан тинимсиз ҳаракат қиладиган, бор билим ва тажрибасини ватан равнақи учун сафарбар этиладиган фидойи инсонларни тасаввур қиламиз. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг Сайловолди дастурларида фуқароларимизнинг орзу-интилишлари, дарду ташвишлари, мавзусд муаммоларни ҳал этиш йўллари ўз ифодасини топганини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Халқимиз сизларнинг янги ғоя ва ташаббусингизга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Эл-юртимиз янги парламент ва маҳаллий кенашлар аъзоларидан кўп нарсани кутмоқда”, дея фикр билдирди.

Бу янги парламент вакиллари учун юксак масъулият, билдирилган ишонч ва самарали натижа кутилаётганининг белгисидир.

ЖОНЛИ ЭФИРЛАР, ТЕЛЕДЕБАТЛАР. ҲАЯЖОНГА ТЎЛА “ДЕБАТ ХОЛТ”

Жорий йилнинг 27 сентябрида Миллий медиа бирлашмаси ва Халқаро пресс-клуб ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида жойлашган “Зарафшон” тадбирлар мажмуасида



“**Дебат холт**” нодавлат телерадиоканаллар таркибидagi сиёсий партия вакиллари билан ҳар бир партия учун тайёрланган махсус жойларда шорлар, баннерлар, тарқатма материаллар, номзодлар ҳақида маълумотлар жамланди. Сайёҳлар, пойтахт

позицияларини ҳимоя қиладди. Бу сиёсий дебатнинг ўзига хос этикаси-дир. Жараёнда сайловчилар ўзлари учун муҳим маълумотларни олиши мумкин.

Теледебат талабларини мувоzanатни сақлаган ҳолда бажариш иштирокчилардан кўра кўпроқ бизни қўчигани бор гап. Аммо ўз олдимизга қўйган вазифалар — сиёсий рақобатни кучайтириш, сайловчиларни хабардор қилиш, шаффофликни таъминлаш, тенг имкониятлар яратиш, сиёсий маданиятни ривожлантириш, ижтимоий муаммоларни муҳокама қилиш, сайловчилар фаоллигини оширишга ҳисса қўшдик деб айта оламиз.

“**Ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш**”, “**Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ**”, “**Иқтисодиёт ва тадбиркорлик**”, “**Илм-фан, таълим ва ёшлар сиёсати**”, “**Экология, соғлиқни сақлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш**” мавзуларида жонли эфирга узатишган теледебатлар давомида сиёсий партия вакиллари билан тўғридан тўғри мулоқот қилишига имконият яратиб берилди. Шунингдек, **сиёсий партиялар раисларининг сайловчилар билан учрашуви** ҳамда сиёсий партияларнинг вакиллари ўртасидаги “**Ижтимоий-иқтисодий соҳани янада ривожлантириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва самарали экологик сиёсат**” мавзусидаги теледебатлар ҳам сайловчилар томонидан ҳолис ахборот манбаси сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистондаги бешта сиёсий партия раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзодлар иштирок этган теледебатлар ва сессияларда улар ўз партиялари ташаббуслари, таклифлари, фикрларини ҳимоя қилиб, аҳолига етказишга ҳаракат қилди. Сайловчилар эса турли сиёсий кучларнинг позицияларини таққослаш имконига эга бўлди.

Бугун халқнинг сиёсий онги ўсди, ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этипти. Фикрини, ташаббусларини очик-ошкора айтиш ўз келажагини белгилаш йўлидаги муҳим қадам эканини билаяпти. Теледебатлар давомида кўнгиноқлар маркази, телерам-бот, ижтимоий тармоқлар орқали аҳолини ўйлантираётган, бевотба қиладиган йўналишларда юборилган саволлар, мурожаатларда ҳам бу намоён бўлди.

Теледебатларнинг ҳар бири ҳақиқий баҳс, мунозара майдони-га айланди. Тўрт раундда ташкил этилган теледебатларда партия вакиллари рақибларининг Сайловолди дастурларидаги кўплаб жиҳатларга эътибор қаратди ва ҳатто танқид қилди. Аччиқ-аччиқ ҳақиқатлар ўртага ташланди. Сайловчилар учун айнан шундай муҳит, маълумотлар жамланганини етказиш муҳим, албатта.

Теледебатлар ҳақида ОАВ, жамоатчилик, блогерлар, интернет нашрлар, қатор экспертлар ўз фикрларини билдириб борди. Теледебатлар сиёсий партиялар учун рақобат платформасига айлганни, сайловчилар ва сиёсий партиялар ўртасидаги кўп-кўп бўлгани, муҳими, теледебатлар 7 та телеканалда, ижтимоий тармоқларда ўзбек, рус, инглиз, қоракалпоқ тилларида узатилиши эътироф этилди.

Ҳўш, бу бизга нима беради? Сайловчиларга партияларнинг платформалари билан яқиндан танишиш ва онли равишда қарор қабул қилиш, инглиз тилидаги маълумотлар эса халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларни кузатиш имконини берди, бу эса мамлакатнинг халқаро имажини яхшилашга хизмат қилди.

Биз мавзуга оид ахборотларни тезкорлик билан беришга ҳаракат қилдик. Марказий ва ҳудудий газеталарда **1500 га яқин** мақола чоп этилиб, МТРК тизимидаги теле ва радиоканалларда **10 мингдан зиёд** телерадиомахсулот эфирга узатилди. Хусусан, сайлов қонунчилиги ва сиёсий партиялар фаолиятига бағишланган **5 та махсус телекўрсатувнинг ўттиздан ортиқ сони** марказий давлат телеканаллари, маҳаллий телеканалларда ҳамда радиозинтириш шаклида томошабинларга етказилди. Ташкил этилган **8 та марказий** ва вилоятлардаги **14 та ҳудудий** теледебат номзодларни аҳолининг ичига кириб боришига ёрдамчи бўлди.

Интернет сайтлар, ижтимоий тармоқларда сайлов жараёнлари, сиёсий партиялар фаолиятини ёритиш бўйича жами **116 мингдан ортиқ** материал, хусусан, **5 та** марказий ва **17 та** ҳудудий нодавлат телеканал ҳамда **10 та** нодавлат радиоканалда **400 дан ортиқ** медиаматериал узатилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар эртанги кунимизга дахлдор бўлган қонунларни ишлаб чиқишда иштирок этидиган муносиб номзодларни танлаш йўлидаги фуқаролик бурчимиз.

ЕХҲТ ДИИХБнинг сайловларни кузатиш халқаро миссияси томонидан билдирилган фикрлар ҳам бу йилги сайлов ўзгача руҳда ўтганини англатади. Хусусан, маълумотда келтирилишича, “Ижобий ташаббус сифатида бешта хусусий телеканал ҳамкорликда барча партия вакиллари ўртасида ҳар ҳафта бешта дебат ташкил этиб, улар тўғридан тўғри эфирга узатилди. Дебатлар номзодларга ўз ғояларини етказиш ва дастурларини муҳокама қилиш учун яхши платформа бўлди. Миллий медиа бирлашмаси ва Халқаро пресс-клуб томонидан бешта хусусий телеканал (**Sevimil, UzReport, ZO'R TV, MY5 va Renaissance TV**) билан биргаликда жонли эфирда сайловга оид бешта дебат ташкил этилди. Давлат телевидениеси ўз каналларида рус ва инглиз тилларида, шунингдек, жазон ва хорижий тилларга синхрон таржимани тақдим этиш орқали бу жараёнларга ўз ҳиссасини қўшди. Мазкур дебатлар Телеграм ва YouTubeда ҳам тўғридан тўғри узатилди, уларда имо-ишора тилидан ҳам фойдаланилди”.

Бу фикрлар сиёсий жараёнларда фаол иштирок этган, аҳоли турмуши фаровонлиги учун меҳнат қиладиган қўлдошларимизни ва улар қаторида бизни ҳам қувонтирди.

Бу йилги сайлов доирасида ташкил этилган дебатларнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, битта теледебат давомида фақат аёл рақиблар ўзаро баҳслашди. Бу сайловлар тарихида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод 5 аёл иштирок этган илк теледебат бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, юксак мақсад — демократик ва эркин янги Ўзбекистонни барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликка эришиш, ҳуқуқ ва манфаатларимиз тўлиқ таъминланиши йўлида шу юртда яшаётган барчамизнинг иштирокимиз муҳим. Биз ОАВ вакили сифатида маълумотларни ҳолис етказишга ҳаракат қиламиз. Танлов эса фуқаролик бурчини ҳис қилган, унинг фикри, масъулияти кўп нарсаларни ўзгартириши мумкинлигини билган ҳар бир инсоннинг ўз ихтиёрида.

Ишонамиз, сиёсий партия вакиллари, номзодлар Сайловолди дастурида белгиланган ва халқ олдида ваъда берган таклифлари, ғояларини амалга оширади. Муҳими — сайловчиларнинг ишончини оқлаш. Буни эса вақт кўрсатади.



САЙЛОВ ҚАНДАЙ ЎТДИ?

Бу саволни шу юрт келажагига дахлдор ҳар бир киши ўзидан сўраётгани ва таҳлил қиладигани аниқ. Чунки ҳар биримиз ўзимиз ишонган ва Сайловолди дастуридаги ғоялари манфаатларимизга мос келишига ишонган, муносиб деб билган номзодларга ва партияга овоз берганимиз.

Ўзбекистоннинг **40 та** хорижий давлатдаги дипломатик ва консуллик муассасалари ҳузурида **57 та** сайлов участкаси ва юртимиздаги **725 та** округ сайлов комиссияси таркибидagi **11 минг 28 та** сайлов участкасида масъулиятни ҳис қилган, “**Менинг танловим — обод Ватаним**” келажагига таъсир



Сўнгги йилларда бозор механизмларига асосланган тизимли ислохотлар сабаб соҳага янгича руҳ кириб келди.

Тараққиёт одимлари

УЙ-ЖОЙ БОЗОРИ:

МОҲИРОНА СИЁСАТ МАҲСУЛИ

Бошланиши 1-бетда

Мутасадди турар жой сотиб олувчи аҳолига кредит фойзини қанчадан қилса маъқул келишини, бу борада сўровнома ўтказилганини, лекин унинг натижалари асосида бирор хулоса чиқариш қийин эканини ҳам билдирганди.

Шунда иштиракчилар томонидан тизимда эркин рақобат шароити яратилаётган экан, кредит фойзаларини ҳам бозор ҳал қилиши, бу масалалда банкларга эркинлик бериш лозимлиги борасида таклифлар бўлганди.

Орадан қисқа вақт ўтган бўлса-да, ортга назар солар эканмиз, бунёдкорлик, қурилиш соҳасидаги ислохотлар бугун самарасини бераётганини англаймиз. Яқин ўтмишга қадар вилоятларни қўя турайлик, азим Тошкентда ҳам уй-жойлар қурилмасди. Бунёд этилганлари ҳам қиммат ва оддий аҳоли учун бу уйларга етишиш ушалмас орзу эди.

Юнус БҲРОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

30 минг оиланинг орзуси ушалди

2017-2018 йилларни яхши эслайман. Пойтахтнинг Сергели туманига ёндош ҳудудда янги уйлар қурилишига старт берилди.

Бир оилани биламан. Уч хонали уйга танишим икки келин туширганди. Тасаввур қияласизми, каталакдай хонадонда уч оила яшарди. Янги уй олишга қурби етмасди. Йиллар давомида илжасизликдан, имконсизликдан бир уйда яшашга маҳкум эди улар.

Янгиҳаёт туманида қурилган уйларга биринчилардан бўлиб ўша танишимнинг икки ўли оиласи билан кўчиб кирди. Энди бу оиланинг қувончу шодликлари н тасаввур қилаверинг.

Қисқа муддатда 500 дан зиёд кўп қаватли бино қад ростлади. Ўша пайтда ОАВда эълон қилинган маълумотларга кўра, уй-жойга қучли эҳтиёжи бор 30 мингдан ортиқ оила янги уйларга кўчиб ўтди. Шунча оиланинг бахти тўқис бўлди. Йиллар давомида орзу қилган ниятларига эришди.

Ўтган қисқа даврда шаҳар ёнида шаҳарча қад ростлади. Баланд-баланд иморатлар ёнида болалар



майдончалари, мактаблар, боғчалар қурилди. Кўла-мзорлаштирилди. Дарахтар экилди. Янги тортилган метро йўналиши Янгиҳаёт ва Сергели туманида



яшовчи минглаб аҳолига қудайлик туғдирди. Бугун бу ерга келган одам биладикки, бир инсон бахтли ва фаровон яшаши учун неки зарур бўлса, барчаси яратилган.

бизнесдан айрилиб қолишдан қўрққан одам борки, бу уйлари сотиб олиши шарт эди.

Уларни сотиб олганларнинг деярли кўпчилиги ўлда-жўлда қолиб кетган қурилишни ўз ҳисобидан якунлади ёки қайтадан таъмирлашга мажбур бўлди.

Аслида, қишлоқлар қиёфасини ўзгартаришга қаратилган бу эзгу мақсад нега ўзини оқламади?

Назаримизда, тизимда эркин рақобат йўқи эди. Тендерларсиз, соҳада ҳеч қандай тажрибага эга бўлмаган тадбиркорлар намунали уй-жойлар қурилишига жалб этилди. Пировардиди уй-жой қурилишида коррупция чуқур авж олди. Қолаверса, уйлarning бир хил лойиҳалар асосида қурилиши ҳам одамларнинг намунали уй-жойларга қизиқини камайишига хизмат қилган бўлса, ажабмас. Бундан ташқари, олис қишлоқ жойларда қурилган ҳовилларга энг бирламчи эҳтиёж — сув, газ каби коммуникация тармоқлари етиб бормаганди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Энг яхши инвестиция

Агар хоҳиш-истак бўлса, ҳамма нарсани ўзгартирса бўлар экан. Сўнгги йилларда бозор механизмларига асосланган тизимли ислохотлар сабаб соҳага янгича руҳ кириб келди. Айнан уй-жой қурилишига ихтисослаштирилган янги тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлди. Тадбиркорлар ҳеч иккиланмай соҳага пул тика бошладди. Одатда одамлар пулини яхши фойда келтирадиган бизнесга сарфлайди. Шундай тизим яратилдики, кам таъминланган оилаларда ҳам уй-жой сотиб олиш имконияти пайдо бўлди. Одамлар ортиқча жамғармаларини истикболли инвестиция сифатида ҳеч иккиланмай турар жойга йўналтирмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ўтган даврда барча манбалардан 100 триллион сўм маблағ ҳисобига ҳудудларда 6 мингта кўп қаватли уй барпо этилиб, 250 минг оила янги бошланиб бўлди. Даромади юқори бўлмаган 45 мингта оилага бошлангич бадал ва фойз тўлови учун 2,4 триллион сўм субсидия берилди.

Жумладан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича 85 мингта ёки 2022 йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўп хонадон қурилди. Аҳолига 17 триллион сўм ипотека кредити ажратилди.

Аҳоли сони ўсишини инобатга олиб, бундай ишлар изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, жорий йилги дастур доирасида 100 мингта уй-жой қуриш режалаштирилган.

Бу йил ипотекани молиялаштириш учун барча манбалардан 22,5 триллион сўм йўналтирилди. Жумла-

дан, ипотека кредитлари учун қарийб 10 триллион сўм, даромади юқори бўлмаган 20 минг оилага бошлангич бадал ва фойз тўловини қоплаш учун 2,3 триллион сўм берилди.

Пурат ташкилотларининг айланма маблағини кўпайтириш учун 500 миллиард сўм ресурс йўналтирилди. Бунда йиллик 16 фойз ставкада 12 ойлик имтиёзли давр билан 18 ойга имтиёзли кредитлар ажратилади.

Қурилиш ишлари ҳамда аҳолининг уй-жой сотиб олиши учун ҳам яна қўшимча енгилликлар яратилмоқда. Хусусан, энди 5 қаватли уйлари барпо этишга камиди “қоникарли” ва 9 қаватли уйларга “ўрта қоникарли” рейтингига эга бўлган пудратчилар жалб қилинади. Бу қўшимча 2 мингта янги пудратчига йўл очиб беради.

Турар жойлар қурилишида “яшил” стандарт жорий қилинмоқда. У асосида бунёд этиладиган уй учун пудратчиларга кредитлар бир фойз паст, яъни йиллик 15 фойз ставкада берилмоқда.

Камбағалликдан чиқариш дастурига кирган ва турар жойи ночор аҳволдаги оилаларга “маҳалла еттилиги” тавсияси асосида ўз ҳовлисида уй қуриш ва таъмирлашга 120 миллион сўмгача ипотека кредити ажратиш йўлга қўйлади. Бунда кредитнинг 15 фойзи ва дастлабки беш йилда фойз ставкасининг 6 фойзгача банди бюджетдан қоплаб берилди.

Аҳолига бу борада кўмаклашишида Ипотекани қайта молиялаштириш компанияси ташкил этилди. Ўтган уч йилда унинг кредит портфели 3 триллион сўмдан ошди.

Ўтган даврда барча манбалардан 100 триллион сўм маблағ ҳисобига ҳудудларда 6 мингта кўп қаватли уй барпо этилиб, 250 минг оила янги бошпанали бўлди. Даромади юқори бўлмаган 45 мингта оилага бошлангич бадал ва фойз тўлови учун 2,4 триллион сўм субсидия берилди.

Ислохот иш бермоқда

қурилган уйларда яшаб иштиёқи қучаймоқда. Энг қувонарлиси, одамларнинг бунга қурби етапти, харид қобилияти юксалаяпти.

Бугун қарашлар ўзгариб, Одамларда ҳаммасини давлат қилиб бериш керак, деган тушунча унутилмоқда. Давлат бугун уй-жой қурмапти, хусусий тадбиркорлар бунёд этапти. Тизимда ишбилармонлик, соғлом рақобат ва шафдофлик муҳити яратилди. Бюрократик тўсиқлар олиб ташланди ёхуд мавжуд расмийчиликлар соддалаштирилди. Рақамлаштирилди. Уй-жой қурилиши бозорига кирмокчи бўлган тадбиркорга фаолият юртишга кенг йўл очиб берилди. Бу ўринда давлат бош ислохотчи сифатида ўзининг моҳирона ислохотини тизимга муваффақиятли таъбиқ этди олди. Бугун унинг маҳсулини соҳага дахлдор бўлмаганлар ҳам ўз ҳаёти мисолида ҳис қилмоқда.

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

ТАДБИРКОРЛИК —

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДАГИ ТАРМОҚ

Жаҳон амалиётида тадбиркорлар ўзгаришлар омилига қиёсланади. Бу — тўғри баҳо. Чунки ишбилармон бозорга янгиликлар олиб кириш баробарида тез мослашувчан ҳам бўлади. Энг кўп иш яратувчи тармоқ ҳам тадбиркорликдир. Ҳозир мамлакатимизда ҳамки саноят маҳсулотининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қарийб ҳаммаси ишбилармонлар ҳиссасига тўғри келаётгани, иш билан банд аҳолининг салкам саксон фойзи мазкур тармоқда меҳнат қилаётганини инобатга олсак, юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани мазмун-моҳияти аён бўлади.

Жумладан, шу кунларда ташқи реклама объектиларини ўрнатиш борасида фикрлар бўляпти. Айтиш жоизки, мазкур йўналишдаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Шу билан бирга, ўрнатилган ташқи реклама объектилари қонунчилик талабларига мувофиқ равишда бажарилмаса, конструкциялар ташқарисидан жойлаштирилган плакатлар ва эълонлар қонуний ҳисоблангани ҳамда белгиланган тартибда уларнинг эгалари ҳисобидан демонтаж қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Агар тадбиркорларнинг қонун талабларига мувофиқ ўрнатилган ташқи реклама объектилари ноқонуний бузилаётган ҳолатлар мавжуд бўлса, 11-00 қисқа рақами орқали Бизнес-омбудсманга хабар беришлари мумкин.

Ўзбекистон 2027 йилга бориб, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80, экспортдаги ҳиссасини эса 60 фойзга етказиш каби улкан мақсадларни қўйган.

Мамлакатимизда тадбиркорларга иқтисодиётнинг таянчи сифатида қаралиб, бизнес муҳити тобора қудайлаштириб борилаётгани яқинда Президентимиз ҳузурида тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоясини қучайтиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишиш чоғида ҳам таъкидланди.

Юртдошларимизда бизнесга қизиқиш ҳам, манфаатдорлик ҳам ортиб бораётди. Тақдимотда давлатимиз раҳбарига мазкур масалалар юзасидан қатор таклифлар билдирилди. Унга кўра, келгуси йилда бизнес вакиллари фаолиятига оид бир қанча янгиликлар жорий этилади. Хусусан, ишбилармонлик фаолиятини акка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмасдан амалга оширганлик учун молиявий жарима бекор қилиниб, маъмурий жавобгарлик сақлаб қолинади.

Рақамли маркировкалаш қондлари ҳамда фискал бекорликлари акс эттириш тартибини бузиш, ҳодимлар сонини яшириш каби ҳуқуқбузарликлар учун эса маъмурий жазо чораси бекор қилиниб, молиявий жарима қўлланилади.

Тадбиркорларнинг ўзаро келишув асосида низоларни ҳал қилишини рағбатлантириш,

шунингдек, судларда иш юкласини камайитириш мақсадида 2025 йил 1 мартдан судда иш юритиш тарафлар келишуви билан тугатилса, давлат божининг бир қисми қайтариб берилди. Бунда биринчи инстанция судида тўланган давлат божининг 70 фойзи, апелляция ва касация тартибдаги судда тўланган давлат божининг 30 фойзи қайтарилган.

Қолаверса, тадбиркорлар фаолиятини назорат қилишга ваколатли органлар ҳам назорат соҳалари рўйхати тасдиқланмоқда. Бу — рўйхатга киритилмаган масалалар бўйича улар фаолиятини текшириш тақиқланади, дегани. Шу билан бирга, илгари назорат функциялари тарқоқ ҳужжатларда бўларди. Энди тадбиркорлар ушбу маълумотларини битта рўйхатдан олиши мумкин.

Тадбиркорлар фаолиятида ўтказиладиган барча текширув “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали Бизнес-омбудсманни хабардор этиш тартибиде амалга оширилади. Қонунчилик ҳужжатларига кўра, Бизнес-омбудсман билан келишмасдан ва хабардор қилмасдан текширувлар ўтказишга руҳсат берилган ҳолатлар бекор қилинади. Шу билан бирга, камерал солиқ текширувидан ташқари 15 турдаги текширув ҳақида жараён бошлангандан сўнг 24 соат ичида хабар берилиши керак.

Бундан ташқари, келгуси йил аввалидан “Хавфни таҳлил қилиш” электрон тизими доирасида тадбиркорлик субъектлари 3 тоифага ажратилиб, текширилади. Биринчи тоифада хавф даражаси паст бўлса, назорат қилувчи органлар текширув ўтказмайди. Иккинчи тоифага хавф даражаси ўрта ва юқори



бўлганлар қиради ҳамда уларда профилактика тадбирлари ёки текширув ўтказилади. Профилактика доирасида чеклист тўлдириш орқали қонунбузилишларга олиб келиши мумкин бўлган камчиликлар аниқланиб, бар-тароф этишга кўмаклашилади.

Учинчи тоифада эса аниқ фактлар бўйича фуқаролар ҳаёти ва манфаати, жамоат ва давлат хавфсизлиги, атроф-муҳитга зарар етказиш хавфининг олдини олиш ёки бартараф этишга қаратилган текширувларни “Хавфни таҳлил қилиш” тизими натижаларидан қатъи назар, ўтказишга руҳсат этилади.

Тадбиркорлар фаолиятида ноқонуний текширувларнинг олдини олиш учун эса назорат қилувчи органларнинг текширувчи ходимлари ҳар икки йилда Бизнес-омбудсман ҳузурида ташкил этиладиган ўқув курсларида малака оширади. Бу билан иш сифати ва унумдорлиги оширилади. Ноқонуний текширувлар, тадбиркорлар шикоятни, ҳодимлар

аттестацияси натижалари каби мезонлар бўйича назорат қилувчи органлар рейтингни тузилади.

Талаб ва таклиф — бозор қонуният. Мамлакатимизда ишбилармонликни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни ҳам шунга ўхшатиш мумкин. Аввало, қудай шароит яратишга ҳаракат қилинапти. Тадбиркорнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар эшитилаяпти, чуқур ўрганил-япти. Бу жараёнда Президентимизнинг соҳа вакиллари билан ҳар йили ўтказаетган очиқ мулоқот катта аҳамият касб этапти.

Жорий йили 20 август кuni Нукус шаҳрида давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан навбатдаги учрашувида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Бизнес-омбудсманга соҳа вакиллари кўллаб-қувватлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш топшириғи берилган эди. Хусусан, тадбир-

корлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари учун битта ҳуқуқбузарлик бўйича битта жавобгарлик белгилашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш топширилганди. Тақдимотда кўрсатиб ўтилган вазифалар ана шу топшириқлар ижроси самарасидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган 3 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Жорий йилнинг тўққиз ойида эса “Тадбиркор виртуал офиси” ахборот портали орқали келган 7113 мурожаатда 8131 та масала кўтарилди. Улар таҳлил қилинса, 17 фойзи банк ва кредит, 11 фойзи солиқ, 8 фойзи мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати, 8 фойзи ер майдони ёки бино ажратиш, кадастр, 8 фойзи суд ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш, 7 фойзи инфратузилмага ондлги аён бўлади.

Мурожаатлар асосида тадбиркорларга 10,9 миллиард сўм миқдорда асосиз тўланган солиқ маблағи қайтарилди, 4,99 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди, 3,81 миллиард сўм маблағ ундирилдида ёрдам берилди. Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 8 та тақдиминома киритилди, 122 мансабдор шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Текшириш ўтказувчи ҳодимларнинг малака ва профессионаллик даражасини баҳолаш мақсадида назорат органининг 9454 ходими аттестациядан ўтказилиб, 76 фойзи тадбиркорлар фаолиятида текширув ўтказишда етарли малакага эга деб топилди. Ўтган вақтда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Бизнес-омбудсман томонидан 1836 та таъсир чораси қўрилди. Шундан 47 та даъво аризаси (шикоят), 38 та тақдиминома, 24 та хулоса, 6 та огоҳлантириш ва 1721 та маъмурий чора қўйилган. Натижада судлар томонидан 15,1 миллиард сўмлик даъво тадбиркорлар фойдасига ҳал этилган, 25 масъул шахсга интизомий жазо қўйилган.

Дилмурод ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний
манфаатларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил

Спорт

ОЛИМПИА ВА ПАРАЛИМПИА ҲАРАКАТИ

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ПРОФЕССИОНАЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 ноябрдаги “Ўқ отиш спорт турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги кўпга мумкин бўлган бартараф этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қарорга кўра, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида босқичма-босқич 10 метр масофага ўқ отиш спорт базалари ташкил этилади ҳамда замонавий спорт анжомлари ва инвентарлар билан жиҳозланади. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида “спорт фаолияти: ўқ отиш ва стендан ўқ отиш” бакалаврият таълим йўналиши очилади.

Шунингдек, ўқ отиш спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар тренерлари, селекционерлари, ҳакамлари ва бошқа мутахассислари касбий муҳратини ошириб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокда семинар, тренинг ва маҳорат дарслари ўтказиб берилади.

Ҳуқуқий-меърий ҳужжатга мувофиқ, 2025 йилдан бошлаб ҳар йили ҳарбийлаштирилган ва ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида ўқ отиш спорт турлари бўйича “Мерган”



кубоги, ўқ отиш спорт турлари бўйича белгиланган ёш тоифалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилади. Мазкур қарорнинг энг муҳим жиҳати шуки, болалар спортдан тортиб, олимпиада босқичигача бўлган жараён қамраб олинган.

Спортнинг ўқ отиш тури кишидан ҳафсизлик талабларига қатъий риоя этиш билан бирга мутахассисларнинг кўникмаларига эга бўлишни ҳам талаб этади. Шу боис, энди туман, шаҳарлардаги спорт мактабларида босқичма-босқич ўқ отиш спорт турлари бўйича спорт гуруҳлари очилади. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида чақирувга қадар бошлангич тайёргарлик фани ўқув дастурлари доирасида “Ўқотар ва пневматик спорт қуролларининг тактик-техник тавсифлари” амалий машғулотлари киритилади. Амалий машғулотларни ташкил этишда ҳарбий қисм, муассасалар, ҳарбий полковларнинг ўқув-моддий базасидан фойдаланилади.

Мамлакатимизда яна бир спорт турини ривожлантириш учун тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, Президентимизнинг “Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, зарур спорт инфратузилмаси мавжуд бўлган олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида сув полоти ва синхрон сузиш гуруҳлари ташкил этилади. Бу эса, ўз навбатида, юқори малакали

оммавий спорт фестивали, сув спорти турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказиб борилади.

Шу билан бирга, кейинги йили 1 июнга қадар давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий инвесторга бериладиган сув ҳавзалари рўйхати шакллантирилади. 2026 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиладиган сув ҳавзалари фаолияти мазкур қарор асосида ташкил этилади.

Қарор билан 2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида сув спорти турлари инфра-тузилмасини яхшилаш бўйича манзилли дастур тасдиқланди.

2025-2027 йилларда миллий терма жамоалар тренерлари, шунингдек, олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида сув спорти турлари бўйича фаолият юритаётган тренерлар хорижий давлатларга қисқа муддатли стажировкага юборилади.

Ушбу икки қарор аҳолининг кенг қатламини спорт турларига жалб қилиш, маҳоратли спортчиларни саралаб олиш, халқаро мусобақаларда юртдошларимиз иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Инсон қадри учун

УЛАР ҲАМ БАХТЛИ ЯШАШГА ҲАҚЛИ

Ижтимоий масалалар доим долзарб бўлиб келган. Аҳоли орасида эътиборга муҳтож, ногиронлиги бор, биронинг кўмаги билангина ҳаракат қиладиган ёки моддий имконияти чекланган, оилавий муҳитдан келиб чиқиб, касб-хунар эгаллай олмай, турмушнинг “мушт”лари олдиде ер чизиб қолган инсонлар бор. Улар ҳам биз яшаётган жамиятнинг аъзоси, барча каби яхши яшашга ҳақли.



Хўш, бу қатлам, уларнинг муаммолари билан ким ёки қайси ташкилот шуғулланади?

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони айнан шу йўналишдаги ҳаракатларни тизимлаштириш, меҳр-мурувватга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун асос бўлди.

Қисқа муддатда жойларда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилиб, ҳимояга муҳтож фуқароларнинг фаол ҳаётга қайтиши, уларга бошқалардан кам эмасли-

гини англатиш, эҳтиёжларини таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.

Бухорода ҳам бу йўналишда кўзга кўринарли юмушлар қилинди. Дастлаб ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли 12 тоифа бўйича қайта ҳатловдан ўтказилди. Бунда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, маҳаллалардаги ҳамширалар (патронаж) хизматида ҳам фойдаланилди. Ҳозирча ҳатловда ижтимоий ҳимояга муҳтож 2581 киши қамраб олинди.

Қадрдонлари овозини эшита бошлади

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ва ижтимоий ходимлар томонидан аҳолига 49 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатилади. Бухорода бу йўналишда жорий йилнинг ўтган даврида келиб тушган мурожаатлар асосида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (оилалар)га 3,5 мингдан ортиқ кейс очилиб, шундан мингдан ортиғига ижтимоий хизматлар кўрсатилади.

Бугунги кунда ўзгалар парварошига муҳтож 332 нафар ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахсга тегишли нафақалар тайинланиши ва 336 нафарига ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилиб, уларга 89 нафар ижтимоий ходим ассистенти сифатида хизмат кўрсатиб келмоқда.

Жондор туманидаги Шўрбод маҳалласида яшовчи 64 ёшли Қўлдош ака Жумаев узок йиллар давомида давлат ишхонасида ишлаб, нафақага чиққан. Аёли Дилором Қурбонова билан 4 фарзандни вояга етказиб, ҳозир 11 неваранинг бобоси ва бувиси бўлиб умргузаронлик қиляпти. Аммо 7 йил олдин Қўлдош ака жарроҳлик амалиётида бир буйрағидан айрилгани боис, ёндош касалликлар сабаб эшитиш қобилияти жуда пасайиб кетади. Бу эса унинг оила аъзоларига ҳам нуқулалик таъдирини қолмай, ўзининг ҳам атрофдагилар билан мулоқот қилишига халақит беради. Натижада у имкон борида уйдан чиқмасликка ҳаракат қилади. Маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатуви ҳодим Қўлдош аканинг мурожаатини ўрганиб, унга эшитиш мосламаси ҳамда қон босимини доимий кузатиш учун овозли танометр олишда ёрдамлашди.

— Ростини айтганда, жуда тушунлиққа тушиб қолгандим, — дейди Қўлдош ака. — Яқинларимнинг овозини эшитолмайсан, фақат сукунатда юрасан. Атрофдагиларнинг сен

билан гаплашиш тобора қийинлашиб бораётгани учун, яхшиши гаплашмаслигини маъқул кўра бошлайди. Ийғинларда эса ўзининг худди ортиқчадек сезасан. Чунки ҳамма ўзи билан ўзи овера. Шундай қилиб кетаман, энди эшитмайман деб ўйлагандим. Йўқ, шукр, мана, “Инсон” марказидан ижтимоий ходим келиб, шу эшитиш мосламасини бериб-ю, ҳаётимда катта ўзгариш бўлди. Хурсандман. Энди энг паст товушларга эшитаяман.

Албатта, бундан отахоннинг оила аъзолари ҳам хурсанд. Кексалиқда бир-биринга суяниб қолган аҳил оила вакилларининг суҳбатлари яна қайта жонланди.

Қорақўл туманидаги Хўжамак маҳалласида яшовчи ногиронлиги бўлган Ҳикмат Бобомуродов 24 йил маданият соҳасида фаолият юритган. Фалокат оёқ остида деганларидек, бир кунни Ҳикмат ака томондан йиқилиб тушади. Шу бўйи гоҳ шифохонада, гоҳ уйда 8 ой тўшака михланиб ётиб қолади. Бу орада ишдан кетишига ҳам мажбур бўлади. Оёқ суяклари жароҳати оғир бўлгани боис, деярли 10 йил ҳассасага суяниб юради. Лекин турмуш ўртоғининг далдаси ва тўрт фарзанднинг кўмаги билан яшаш учун ўзида куч топади.

Яқинда у тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига ишга жойлаштириш тўғрисида мурожаат қилди. Буни қарангки, орадан ҳафта ўтмай, мурожаати ижобий ҳал қилиниб, туман ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда маданият марказига ишга жойлаштирилди.

Ҳозир 10 нафар шогирдга мусиқа сирларини ўргатиб келётган Ҳикмат ака “Инсон” маркази ҳузурида янги ансамбль тuzишини ҳам ният қилган. Нафақасига қўшимча равишда олаётган маоши эса оиласининг моддий таъминотини яхшилашга хизмат қиляпти.

Ёлғиз отахон ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ОЛИНДИ

Жорий йил май ойидан бошлаб яқин қариндошлари бўлмаган, ўзгалар парварошига муҳтож шахсларга компенсация нафақалари ўрлаб бериш тизими йўлга қўйилиб, ҳозир ушбу хизмат билан 332 нафар муҳтож шахс қамраб олинди.

Азим Гадовев Когон шаҳрининг Истиқлол маҳалласида истиқомат қилади. Узок йиллар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб келган ва ҳозир нафақада бўлган отахоннинг икки қизи турмушга чиққан, чет элда яшайди. Шу сабабдан Азим ота ёлғиз ва эрларизига муҳтож. Когон шаҳрининг Истиқлол ва Бунёкдор маҳаллаларида комплекс ижтимоий хизмат кўрсатуви ҳодим Шаҳзод Дилов аҳоли муаммоларини ўрганиш жараёнида Азим отанинг хонадонда бўлиб, унинг ёлғизлиги, қаровчига муҳтожлигини аниқлади. “Кейс-менеджмент” усули асосида отахоннинг ижтимоий аҳоли ҳар томонлама баҳоланди ва унга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар режаси белгилаб олинди. Натижада отахонга ижтимоий қўллаб-қувватловчи ҳодим бириктилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан республика бўйича бюджет ташкилотларига ногиронлиги бўлган 20 минг, банкларга минг шахсни ишга жойлаштириш вазифаси юклатилган эди. Шундан сўнг электрон сўровнома асосида ҳатлов ўтказилиб, давлат ташкилотларида ишлаш истиғи бор ишсиз, ногиронлиги бўлган 73 минг шахснинг маълумотлари шакллантирилди.

Улар орасида болаликдан ногиронлиги бўлган, Когон шаҳрининг Мирзо Улугбек маҳалласида истиқомат қилувчи Умида Раупова ҳам бор. У 1974 йилда туғилган, техникумни кутубхоначилик мутахассислиги бўйича таъмонлаган. 23 йил давомида умумтаълим мактабларида кутубхоначи бўлиб ишлаган. Умида

опа яқинда ногиронлиги бўлган шахслар учун васапсу.argo.uz платформаси орқали эълон қилинган бўш иш ўринларидан бирига ариза топшириб, очик танловда суҳбатдан ўтди ва Когон шаҳридаги 9-умумтаълим мактабига кутубхоначи вазифасига ишга қабул қилинди.

— Узок йиллар давомида соҳам бўйича ишладим, — дейди Умида Раупова. — Сўнгги йилларда эса соғлигим ёмонлашиб, ишдан кетишга мажбур бўлган эдим. Даволашнилар натижасида ўзимга келган бўлсам-да, иш топшиш муаммо бўлди. Ҳудудимиздаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари барча қирхона ва ташкилотларда мен каби ногиронлиги бўлганлар учун бўш иш ўринлари эълон қилинганини айтганда қизиқиб кўрдим. Ариза қолдирдим ва суҳбат асосида ишга қабул қилиндим. Бир ўғлим бор. Ҳозир Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил оляпти. Шу ўғлимнинг келажаги учун ҳам ишлашим керак. Мен ҳам жамиятнинг муҳим бўлаги эканимни яна бир бора англаб, касаллик билан курашишга айнан мана шу ишим ёрдам беряпти.

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан виллоятдаги якка-ёлғиз ва ёлғиз яшовчи 668 нафар кекса ва ногиронлиги бор шахсга жамият ҳаётида қатнашиш учун тегин оқимиятлар яратиш ҳамда ўзларининг ҳаётий эҳтиёжини қайта таъминлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида уларга тегишли ижтимоий хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Шунингдек, “Инсон” марказларида шартнома асосида пулли хизмат кўрсатиш тизими жорий қилинди. Ўзгалар парварошига муҳтож кекса ва ногиронлиги бўлган 210 нафар шахс билан шартнома тuzилган, 116 нафарига белгиланган меъёра ва тартибга асосан 17,8 миллион сўм маблағ кўчирилган ҳамда ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатиб келинмоқда.



Улар нафақадан ташқари МАОШ ҲАМ ОЛАДИ

Пешку туманидаги Боғимусо маҳалласида яшовчи 21 ёшли Нурмуҳаммад Убайдуллаев иккинчи гуруҳ ногирони. Бухоро давлат университети талабаси бўлган Нурмуҳаммад айни дамда банкда ишлаяпти.

— Мутахассислигим бўйича ишга кирдим. “Инсон” маркази ходимлари ҳужжатларимни васапсу.argo.uz орқали топширишга қўмаклашди. Суҳбатдан ўтдим. Ишимдан мамнунман. Ногиронлик нафақамга қўшимча равишда олаётган маошим оиланимни моддий томондан бекам қўст таъминлашга имкон берапти, — дейди у.

Яқинда Бухоро шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спортнинг парашахмат тури бўйича тренер лавозимига ишга кириш учун ариза топширган номзодлар билан суҳбат ўтказилди. Суҳбат давомида уларнинг соҳа бўйича малака ва тажрибага эга экани, болалар билан ишлай олиш кўникмасига эътибор қаратилди. Ариза топширганлар орасида эшитиш ва гапиришда нуқсон бўлган Ҳожиакбар Саидмуродов саволларга яхши жавоб берди ва спорт бўйича ютуқларга эгалиги билан ажралиб турди. Яқиний натижаларга кўра, 25 ёшли Ҳожиакбар болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ишга қабул қилинди.



Умиджоннинг ОРЗУСИ УШАЛДИ

2024 йил 1 июлдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишнинг техник воситалари ҳамда протез-ортопедия мосламаларини харид қилиш бўйича ваучер тизими ишга туширилди. Бугунги кунда 3101 та ваучер шаклланган, шундан 2148 таси бюртма қилинган. Буортманинг 1933 таси таъминланган, 215 таси эса жараёнда.

Бухородаги 280 ўринга мўлжалланган “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар интернет уйида 264 бола тарбияланмоқда. Уларнинг барчаси васийликка олинган, тиббий қўриқдан ҳам ўтказилди.

Бухоро “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернет уйида Ўзбекистон Республикасида доимий яшай-диган, руҳиятида сезиларли нуқсонлар бор ногиронлиги бўлган аёллар тўлиқ давлат таъминотига олиниб, уларга тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатилади. Муассаса 300 ўринга мўлжалланган, ҳозир нагиронлиги бўлган 305 аёл истиқомат қилмоқда. Уларга 204 ҳодим томонидан тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиляпти.

Ногиронлиги бўлган аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ҳозирги кунда муассасада малакали врач ва ҳамширалар хизмати қилиб келмоқда. Муассаса керакли дори-дармон билан тўлиқ таъминланган. “Мурувват” уйидаги аёлларнинг имкониятлари қараб ўқув, тўғарақ хоналари ташкил этилган. Чеварлик, пазаандалик, тўқувчилик, сартарошлик, расм чизиш, кутубхона, компьютер тўғараги хоналари тўлиқ жиҳозланган, фойдаланиб келинмоқда.

Қорақўл “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернет уйида яшовчи 300 кишига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиладиган. Васийликка олинганлар ўртасида ақлий ривожланишида ижобий ўзгаришлар бўлган шахсларнинг меҳнат кўникмаларини эгаллашиш учун муассасада 1 та даволаш-ишлаб чиқариш (меҳнат) устанонаси, 2 та иссиқхона, мусиқа ва шашка-шахмат тўғараги ташкил қилинган. Меҳнат йўриқчилари томонидан енгил меҳнат кўникмаларини бажариш ва ўргатиш ишлари йўлга қўйилган.

Вобект туманидаги Шифокор маҳалласида яшовчи Умиджон Тўраев айни дамда 20 ёшни қаршилаган, тенгдошларига нисбатан ақли, мулоҳазали ва тадбиркор йигит. Ота-онаси ташкил этган “Умиджон маркет” савдо

дўконини маркетинг ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида юритиб келаятган қарамонимизда болаликдан ногиронлик мавжуд. Бироқ бу Умиджоннинг ўқишига, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ривожланишда давом этишига умуман тўсқинлик қилмайди. Уч ўғилнинг қаттаси бўлган Умиджоннинг отаси тадбиркор, онаси эса ҳамшира. Бизнес, ахборот технологиялари соҳаларига қизиқувчи Умиджон укалари Саҳрубек ва Алибекка ҳам компьютер сирларини ўргатиб келаяпти. Ўзи эса айни дамда Тошкент давлат аграр университети 2-босқич талабаси.

Умиджонни қийнаб келаятган муаммолардан бири унинг электрон аравачага муҳтожлиги эди. Чунки ҳозир масофавий таълим олаётган йигит дарсларда иштирок этиши, турли ўқув курсларида махкам олиширишга бориб-келиши учун ҳам бу мосламаларга эҳтиёжи жуда юқори. Туман “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаати бесамав кетмади. Яқинда унга ўзи истагандек электрон аравача таълим этилди.

Энди Умиджон бемалол ҳаракатланиши, ўзи устиде ишлаши, ўқув машғулотларига қатнаши мумкин. Таъкидлаш жоизки, Умиджоннинг тадбиркорлик соҳасидаги тақдирлари оилавий савдо шохчасида таътибқ этилганидан сўнг савдо ҳажми 30-40 фоиз ошганининг ўзиёқ унинг кейинги муваффақиятлари янада юксакроқ бўлишидан дарак беради.

Виллоятда 3 та қўл тармоқли ихтисослаштирилган мактабга таълим ташкилоти, 4 та алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган махсус мактаб-интернат фаолият юритмоқда. Уларда 1300 дан зиёд ўқувчи виллоят психологик-тиббий педагогик комиссияси ҳулосасига асосан таълим оляпти.

Бундан ташқари, туман (шаҳар)лардаги 22 та умумтаълим мактабиде инклюзив таълим синфлари фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, 671 ўқувчига уйда якка тартибда таълим берилляпти.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тизим аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қамраб олиб, муаммоларига ечим топиш билан шуғулланмоқда.

Обид ҚўЛДОШОВ,
журналист

Набихон Чустий таваллудининг 120 йиллигига

АДОЛАТ ЎЗ СЎЗИН АЙТГАНДА

ШОИР ИЖОДИ, ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ЭСДАЛИКЛАРИ ОРҚАЛИ БИЗГА САБОҚ БЕРМОҚДА

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Аруз вазнида ўйноқи ғазаллар битиб, ижоди орқали мумтоз адабиёт ва бугунги кун ўртасида кўприк — восита бўлган беназир шоир Чустий қандай умргузаронлик қилгани, қалами туфайли бошига не савдолар тушганини адабиёт, илм ахли яхши билади. Бироқ шоирнинг тўпламларга кирмаган шеърлари, бошқалар билан бўлишлмаган хотиралари ҳам оз эмас. Ҳамма шоирларда бўлгани каби охирига етмай қолган шеърлар, таржималар Чустийнинг фарзандлари қўлида сақланади. Булар орасида шоирнинг ўз қўли билан эски араб ёзувида битган хотиралари ҳам мавжуд.



Шоирнинг отаси Нуруллоҳхожа Эшонхожа ўғли Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида таваллуд топган. У атласбофлик қилиш билан бирга, Туробий тахаллусида ғўзал ғазаллар ҳам битган. Нуруллоҳхожа 1917 йили онасини Қўқонга кўчириб олиб келади. Кўп жонли оилани боқиб, тирикчилик қийинлашган замонда маблаг топиш йўллари қидириш уни шундай қилишга мажбур этган. Нуруллоҳхожа шу йили Учқўприк туманининг Тепақўрғон қишлоғига имом-хатиб этиб тайинланади. Шундай бўлса-да, 12 жондан иборат катта оилани боқиб мушкуллашиб бораверганди. Нуруллоҳхожа олти ўғилнинг ҳар бирини хат-саводли, илмли, меҳнаткаш, эсли-хушли қилиб тарбиялайди, фарзандлар аста-секин ўз аравасини ўзи торта бошлайди. Набихон (Чустий) ҳам илм олиш ва атласбофликда ака-укаларидан сира қолишмасди.

Чустийнинг армони ёҳуд у нега давр билан ҳисоблашди?

1939 йилда “Нафис адабиёт” давлат нашриёти томонидан уйғур тилида нашр этилган “Зафарнома” дostonи айни вақтда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 27 246-инвентарь рақами билан сақланади. Китобда жами 39 саҳифа бўлиб, 5000 нусхада чоп этилгани кўрсатилаган. Достон қуйидаги сатрлар билан бошланади:

Юр, қаламим, эрк ила мардона юр,
Эрк шароби била мастона юр,
Бош кесилиш жаҳлидин озодсан,
Чехраң очик, қалби тиник, шодсан.

Гарчи дostonда мавжуд тузумни мадҳ этиш, унга мослашиш, унинг қудратини намoён этиш руҳи устунлик қилса-да, кўплаб сатрларда бетакрор жумлалар учрайди.

Чустий ижодининг чўққиси деб аташга арзийдиган “Индамаслар олами” манзумаси 1996 йилда алоҳида китоб ҳолида Фанлар академиясининг “Фан” нашриётида чоп этилган. Уни нашрга Хусайнхон Орифий тайёрлаган. Китобда асарнинг эски ўзбек ёзувидаги матни ҳам келтирилган бўлиб, унга Саидхўжа Саидовнинг хаттотлик қилиб, китоб Алишер Навоий азинидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида 1838-инвентарь рақами остида сақланади.

Чустий мероси катта кўламга эга бўлиб, унда ғазаллар, мураббалар, мухаммаслар, мусаддаслар, мусамманлар, таржибандлар ва лирик жанрлардаги бошқа асарлар ўрин олган. Шунингдек, таржималар, сатира йўналишидаги асарлар ҳам мавжуд.

Шоир қўлэмаларидаги ўтмиш ҳақиқатлари

2019 йил январь ойида шоир Набихон Хўжаев — Чустийнинг фарзанди Бахтиёрхон Набихоновдан Чустийнинг ўз қўли билан эски ўзбек ёзувида ёзган хотира-қундалик дафтарларини ўрганиш мақсадида олади. У катта ўлчамдаги (20х30 сантиметр) бир дафтарга

ёзилган эди. Эски ўзбек ёзувида битилган бу хотира дафтар Чустийнинг фарзандлари ота қўли билан ёзилгани сабабидан ниҳоятда қадрланади. Саккиз саҳифадан кейин шоир Чустий жуда шошиб ёзган, хусниҳат бузилган, зер-забар белгиларини ҳам кейин қўйман, деган мақсаддами ё ўзи ўқиб, кейин амалдаги кирилл ёзувида қайта кўчириб чиқмаган деб ўйлаганим, ҳарқалай, шошилинч ёзилган. Кейинги қисмларини ўқишга ҳарчанд уринмайлик, бунинг уддасидан чиқиб бўлмади. Энг моҳир мутахассислар ҳам айрим саҳифалардан



бир неча сўзни ўқиб, қалам билан устига ёзиб қўйиб билан чекланди. Шундан сўнг 65 бетлик қундалик-қўлёзма суратга олиниб, сақлаб қўйилди ва қўлёзма Бахтиёр Набихоновга қайтарилди. Айни вақтда ушбу қўлёзмада шоир нималарини қайд этиб қўйганини билиш, уларни фан ва ижод аҳлига — қизилу-чиларга, қолаверса, шоирнинг фарзандлари ва набираларига тақдим этиш мақсадида энг кучли мутахассисларга кўрсатилган. Ўқиниш муваффақ бўлган дастлабки қисмини шоирнинг фарзандлари ўтган аср охириларида “Завқи кўп Хўқандийман” номи билан матбуотда эълон қилган. Ушбу мақоланинг тагсарловчаси ўрнида “Шоир Чархйй, Назирхўжа ҳофиз, санъаткор Одишжон Халилов ҳамда шоир Чустийнинг ёзма, сингласи Ҳабибхон, жияни Юсуфхоннинг озаки хотиралари асосида тайёрланди”, деган изоҳ ҳам берилган.

Қуйида ушбу қўлёзманинг кейинги ури-нишларда ўқилган қисмини жузъий қисқарт-ма билан келтирамиз:

“1904 йилда дунёга келганман, мучалим балиқ. 7 ёшдан 12 ёшгача мактабдор қариндошимиз Ўбайдахон ая қўлиарида тахсил олдим. Мен гўдаклик вақтида у кишининг

оқ сутидан баҳравор бўлган эканман, у кишининг қизлари Муҳаррамхонга эса менинг онам ўз кўксидан обиҳаёт тутган экан. Шундай қилиб, Ўбайдахон ая менга айни вақтда ҳам ризоий она, ҳам мударриса бўлганлар. У кишининг қизи Муҳаррамхон билан бир-биримизга ризоий ака-сингил эдик. Ёшлик чоғларимдаёқ атласбофлик ва шеър ёзиш-ни дадамдан ўрганганман. Кейинчалик ғазалларимдан бирида “Чуст шаҳрида туғилдим, шул сабаб Чустий лақаб, отадан мерос шоирлик-ла атласбофлик”, деб ёзгандим.

Болалар ичида ҳаммадан дуруст эдим. Бир неча ҳафтада алифбо, ҳафтияк ва бошқа савод китобларини ўзлаштирдим. Кейин Қуръони карим, Чаҳор кутуб, Навоий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Беҳил асарларини, Мантиқ, Маслак каби дарсликларни ўргандим, икки йилда Каломуллоҳни тўла ёд олдим, аммо чиройли ёзишни ўргана олмадим. Биз, ака-укалар аввал Ўбайдахон аямизнинг эрлари Насруллохон Тўрада, кейин Қўқондаги Мирғофур қорихонасида қориликка ўқидик.

...Биз Мамадали бобонинг уйларида уч кеча тунаганимиздан сўнг тўртинчи кунни шаҳардан қишлоқ томонга тўпдан ўқ узилди. Бу ҳаммани қаттиқ хавотирга солиб, турли-туман ғала-ғовур гаплар кўпайди. “Эртага болышавойлар босар эмиш, кўрбошиларга озиқ-овқат, ем-хашак берган қишлоқларга ўт қўяр эмиш”, деган овозлар жуда тез тарқалди. Бунни эшитган бечора қочқоқлар энди Янгиқишлоқдан бошқа қишлоқларга қоча бошлади. Биз ҳам бу қишлоқни тарк этиш ниятида отни аравага қўшмоқчи бўлиб турган эдик, Яхёхон акамнинг кушхона қароли Абдуллоҳ билан қаергадир кетгани маълум бўлди. Шундай бўлса-да, қолган оила аъзоларимизнинг хавфсизлигини ўйлаб, катта акам билан дадам отни аравага қўлиди, ҳаммамиз аравага чиқиб, Олтиқуш томон йўлга тушдик. Йўлимиз Қўқон — Наманган темир йўлини кесиб ўтарди.

мен яраганимда эди, бу дуони мен олган бўлардим, не қилайки, ёшман”, дедим ичимда, лекин акамини янада яхши кўриб кетдим.

Биз Олтиқушга бориб, бир деҳқон хонадонига тушдик. Бувим дарров хамир қориб, нон ясай бошлади. Тандир қизигач, эндигина нонларни ёпаётганларида Данғара томондан буруқсираган қуюқ қора тутун осмонга кўтарилди. Одамларнинг айтишича, ўғрилар Ҳайит босмачининг уйига ўт қўйибди, аҳолиси ўчиришга ёрдам бермагани учун ҳозир Олтиқушга келар эмаш. Бувим тезда нонларни тандирдан узиб олди. Ҳаммамиз аравага ўтириб Қияли томон йўл олдик. Юра-юра Амирободдан ўтгач, бир қишлоққа етиб бордик. У ердаги хонадонлардан бирорта ҳам бўш уй тополмадик. Қочоқлар шу қадар кўп эдики, ҳатто томларга қапа тикиб, жойлашиб олганди.

Қий-чув овози осмону фалакка кўтарилган, ит эгасини танимайди. Қўчаларда барча кийимларини устма-уст кийиб олган хотин-қизлар, болалар, муңкиллаган чолу кампирлар, кўч-кўрон ортилган қўлаб аравалар уёқдан-буйёқ бетиним изгир эди. Уларга қараб: “Энди қаерга бораркан бечоралар?”, деб ўйлар эдим. Кейин маълум бўлишича, қишлоқдан сал нарида кенг қумлик бор экан. Кўп қочоқлар ўша жойга бориб, араваларни гир айлана чип боғлагач, ўртасига чодирлар тикиб, жойлашиб олган экан. Кечаси ўша томондан дод-фарёд, қий-чув овози қишлоққа эшитилди. Баъзи диёнатли юрагига ўти

“ЧУСТИЙ ИЖОДИНИНГ ЧЎҚҚИСИ ДЕБ АТАШГА АРЗИЙДИГАН “ИНДАМАСЛАР ОЛАМИ” МАНЗУМАСИ 1996 ЙИЛДА АЛОҲИДА КИТОВ ҲОЛИДА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ “ФАН” НАШРИЁТИДА ЧОП ЭТИЛГАН.



бор йигитлар ёрдам бергани югурди. Бирор соатдан кейин маълум бўлдики, қумликларда жойлашган ситамдийда, жафо остида қолган ноҳорларни маҳаллий аҳолига мансуб бир тўда ҳаромзодалар босибди, яъни ҳужум қилиб, уларнинг қимматбаҳо мол-мулкани, пул ва тилла тақинчоқларини аравага ортиб қочиби. Ҳимоёга борганлар пайега бўлганлари учун етолмади.

Бу муҳдиш воқеа норасида вужудимни ларзага солди, қўлимдан келганда уларни тутиб, қийма-қийма қилиб, эгларини итларга ташлардим! Ўзингиз ўйланг, ахир шаҳардан қочиб келганлар ҳам, уларни талаган ўғрилар ҳам мусулмонлар эди-ку?! У ерда бўлак миллат, бўлак дин вакиллари йўқ эди-ку?! Ҳаммаси бир миллат — ўзбеклар эди-ку?! Бу қандай фалокатки, ўзаро бирлашиб душман қарши курашиш ўрнига, ўзлари бир-бирларини таласалар, ўлдирсалар?! Ана шундай фикрлар миямни чулғаб олиб, мени қаттиқ қийнар эди.

Биз бу қишлоқдан бўш жой тополмадик. Шунда дадамнинг бир таниши қишлоқ кексалари билан маслаҳатлашиб, масжид хужрасини бўшатиб берди. Намоз вақтида

оиламиз аёллари хужрада бўларди, намоздан кейин эса масжид эшигини ичкаридан қўлғаб олاردик. Ана шу “қоч-қоч” аҳвол тўққиз кун деганда туғди. Барча қочқин аҳоли оқ байроқ кўтариб, шаҳарга кириши мумкин, деган хабар келди. Бунни эшитган одамлар ўзаро: “Омон-омон бўлди”, дейишарди. Биз ҳам эл қатори арава-мизнинг қозигига салладан оқ байроқ тақиб, аста шаҳарга кириб бордик. Омон-эсон ҳовлимизга кириб қарасак, ҳаммаёқни қуйинди босиб ётибди, гўё уйга ўт тушиб, бутунлай кул бўлгандек. Кейин билсак, Қўқон растаси ёниб, қулини шамол бу ерларга учуриб келган экан. Тезда ҳовлино уйларни супуриб-сидириб, жойлашиб олдик.

Яхёхон акам шўх табиат, жасур йигитча, ғайратлари ичларига сигмас эди. Шу боис, бирпасда зерикиб қолиб, менга: “Набихон, юринг, шаҳарни, ёнган расталарни томоша қилиб келамиз”, дедилар. Мен ҳам шўхлик борасида чакана эмасдим: “Бўпти, юринг!” деб акамга эргашдим. Гиштли масжиддан тўғри Чорсидаги ёнган расталар томон юрдик. Йўлимизда Мадрасаи хон бўлиб, унинг қиба тарафида узун, тор йўлак мавжуд эди. Қарасак, ўша йўлакка саржин каби устма-уст ўлиқлар тахлаб қўйилибди, камиди йигирма қават келади. Ҳамма ўлиқлар кийими билан, айримлари ялангоёқ. Буларнинг этгун маҳсиларини тунда ҳаромхўр, ноинсоф одамлар ечиб олгандек туюлди менга, билсам, ҳақиқатан шундай экан. Ўзини мусулмонман деган бир одам ўлиқ ётган иккинчи бир мусулмонни кўмиб қўйиш ўрнига унинг этик, маҳсисию тўнини ечиб олиб кетса-я, во ажаб! Бу қандай мусулмончилик, бу қандай одамийлик?! Бу кўрғанларимиз ҳали ҳолва экан, инсоннинг нақадар тубанлашиши мумкинлигини кейин кўрдик.

тилган дастлабки иплари, яъни тўқиладиган матонинг асосини дўкон (ёғочдан қилинган хонаки тўқув дастгоҳи)га солиб тўқийдир. Тангда эгасига тўқилган матонинг тўртдан уч қисминни берарди. Ўшанда тўқиладиган матоларнинг иплари ҳам, дастгоҳлар ҳам танда эгасиники бўлиб, уйимизда уч тўқув дастгоҳи (дўкон) ишлаб турарди, натижада тирикчилигимиз бир оз изига тушгандек бўлди. Бундан ташқари, деҳқонлар хирмон кўтарганда қосибларга хабар берарди, уларга бир ёки ярим ғалвирдан дон инъом қилганда ҳам анчагина ёрдам бўларди.

1920 йили Чуст, Наманган томонларда очарчилик бошланиб, одамлар кўрпачилик ва баъзи кийимликларни озгина донга ҳам алмаштира бошлади. Мен ҳам онамнинг топириқлари билан бир қанча қўйлақлик тоза атласни кираси қилмаган (арзимаган) жуварни ва бугдойга алиштириб келдим. Шу орада қишлоқнинг шаҳарлик имомига катнаб ўқиниш бошладик. Қуръони каримнинг қолган қисминни ана шу домла мударрислигига ўқиб тутгандим.

1921 йил кўрбошилар кучайган йил келди. Ҳар кунни қишлоқда бир-икки кишини отиб кетишар ёки бирор бойнинг уйини талашар ёҳуд қимларинидир боғлаб олиб кетишарди, кейин қишлоқ оқсоқоллари кети-дан бориб, пул бериб қўтқариб келишарди. Бундай воқеалар узлуқсиз бўлиб турарди. Баъзан қизил аскарлар ҳам қишлоққа келиб, кўрбошиларга овқат, ем-хашак берганликда айблаб, бир неча одамни қамоққа олиб кетарди. Хуллас, мутлақо тинчлик йўқ эди. Одамлар юрак олдириб қўйганларидан уйларнинг томларига тош тўллаб, кечалари ўша ерда тунадил...

Қўлёзма устида ишлаш, ўқишга уриниш жараёни давом этмоқда. Лекин унинг кейинги қисмида шоир қандай воқеаларни баён этгани ҳали аниқланмади. Уни тадқиқ этиб, кенг оммага тақдим қилиш жуда муҳим. Чунки у бевосита яқин тарихимизнинг бир қисми, биз учун ўтмиш сабоқларидир.

Айтинг-айтинг, эл аро ҳеч ким назардан қолмасин

Манфаат тушуначаси ҳар қандай инсон кўнглида бор, у қалб отли макондан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Манфаат ҳам аслида, Яратганининг инсонга инъомини, инъом бўлганда ҳам энг керакли, энг зарур, уни шу ғўзал шавқли дунё билан боғлагувчи ғўзал риштадир, балки. Усиз ҳаёт бу қадар фараҳли, тотли бўлмасди. Ҳар ненинг мезонини борлиги ва мезон деганлари ҳамisha ҳам омонликда ушлаб турилмаслиги бизга аён. Манфаатда ҳам. У кўп ҳолларда кишини тўғри йўлдан адаштириб юборарди. Манфаатлар тўқнашуви ҳодисаларини келтириб чиқарарди.

Яқин ва узоқ даврлардаги ижод аҳли бошига тушган қулфатларга ҳам йирик манфаатлар гирдобига тушиб, ўз эгасидаги виждон таначаларини сқиқиб чиқарган, эгасининг мақсад йўналишларини, ўзиганини унуттирган — унуттира олган, бутун қарашлари, хизматлари, фикру зикри, хатти-ҳаракатини бошқа ўзашларга солиб юборган майда манфаатлар сабаб бўлгани, афсуски, аччиқ ҳақиқат.

1939 йилда собиқ иттиқо таркибидаги ватанимизда Ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиниб, бемаъни асослар, турли айбловлар билан 1951 йилда номи ўчирилган истёвдодли ғазалнавис шоир Набихон Хўжаев — Чустий шеъринидадан бебаҳра киши кам бўлса керак. Гарчанд ҳаётлик чоғида етарлича қадр толмаган бўлса-да, ақлдан барибди ўз сўзини айтди. Бутун унинг ижоди ўз қадрини топмоқда. Жорий йилда ҳукумат қарори билан Ўзбекистон халқ шоири Набихон Чустий таваллудининг 120 йиллиги кенг нишонланаётгани ҳам бунинг аққол далили. Муҳими, шоир ижоди минглаб мухлислар томонидан севиб ўқилмоқда. Дилбар тароналар қанотида барча ўзбек хонадонларига бардавом кириб бормоқда. Токи миллат бор экан, Чустий ижоди, равон шеърини барҳаётдир.

